

51,3 дона барг ҳосил қилади. Кейинги гуруҳда 41,0-44,4 дона барг ҳосил қиладиган “Корсика”, “Сицилия”, “Акропол” навлари киради. Бошқа синалган навларда барг сони 30,4-38,2 дона бўлганлиги қайд этилди.

г/ўсимлик), Виктория (108,7 г/ўсимлик) нав намуналарида қайд этилди. Шартли равишда Сицилия навига нисбатан олинадиган бўлса Рококо навида ўсимлик маҳсулдорлиги унга тенг, Виктория навида эса унга нисбатан 2,2 % га юқори бўлди. Синалаётган

4-жадвал. нав намуналарида битта ўсимлик маҳсулдорлиги Сицилия навига нисбатан 66,4-93,6% ни ташкил этди.

3-жадвалдаги маълумотларга қараганда ўсимлик маҳсулдорлиги навга ва об-ҳаво шароитига қараб жуда ўзгарувчан бўлади. Хусусан, Виктория нави маҳсулдорлиги 2018 йилда 98,4 г ни, 2019 йилда 103,2 г ни, 2020 йилда эса 124,6 г ни ташкил этди. Бу ўртача 3 йилликка нисбатан олганда мувофиқ равишда 90,5 %, 94,9 %, 114,6 % ни ташкил этади.

Тадқиқот йилларида баҳорги экиш муддатида энг юқори умумий ҳосилдорлик “Корсика”, “Сицилия”, “Акропол” нав намуналарида кузатилди ва у 2,0-2,2 кг/м² ни ташкил этди. “Виктория”, “Рококо”, “Гурман” навларида ҳам ҳосилдорлик бироз юқори бўлиб 1,8-1,9 кг/м² ни ташкил этди. Барг сони, битта ўсимлик маҳсулдорлиги каби ҳосилдорлик нав ва йилга қараб ҳар хил бўлди. Аммо, “Корсика”, “Сицилия” навларида йиллар бўйича ҳосилдорлик деярли бир хил бўлди. Бу ушбу навларни ҳам ишлаб чиқариш учун, ҳам селекция ишлари учун анча қимматли эканлигидан далолат беради. Шундай қилиб, индау нав намуналарини ўрганиш асосида ҳўжалик муҳим белгилари ва ҳосилдорлиги жиҳатидан истиқболли бўлган “Корсика”, “Сицилия”, “Акропол” нав намуналари ажратилди. Ушбу экинни ишлаб чиқаришга жорий этиш сабзавотлар ассортиментини кўпайтириш ва аҳолини табиий йод ва селенга бой маҳсулот билан таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари унинг совуққа чидамлилигини ҳисобга олиб қиш фаслида иси-тилмайдиган иссиқхоналар ва плёнкали қопламалар остида етиштириш ҳам мумкин.

Бахриддин МУҚИМОВ,
ассистент,
Музаффар АРАМОВ,
қ.х.ф.д., профессор,
ТошДАУ Термиз филиали.

Индау нав намуналарининг баҳорги муддатда ҳосилдорлиги.

№	Индау нав намуналари	кг/м ²			Ўртача ҳосилдорлик, кг/м ²
		2018	2019	2020	
1	Виктория	1,5	1,7	2,3	1,8
2	Корсика	2,2	2,2	1,9	2,1
3	Сицилия	2,2	2,1	2,3	2,2
4	Акропол	1,8	1,9	2,2	2,0
5	Римские каникулы	1,3	1,7	1,6	1,5
6	Сакроменто	1,5	1,6	1,8	1,6
7	Санremo	1,4	1,5	1,7	1,5
8	Аромат	1,7	1,6	1,4	1,6
9	Рококо	1,8	1,9	1,8	1,8
10	Гурман	1,9	1,6	2,1	1,9

Корсика нави 2018 йилда 38,1 та барг ҳосил қилган бўлса, 2019 йил 42,3 та, 2020 йилда эса 44,6 та барг ҳосил қилди. Ўртача уч йилликка нисбатан бу мувофиқ равишда 92,9 %; 101,4 %; 106,9 % ни ташкил этади. Сицилия нави 2018 йилда 44,5 та, 2019 йилда 48,9 та, 2020 йилда эса 39,8 та барг ҳосил қилди. 2018 йилга нисбатан 2019 йилда 9,9 % кўп, 2020 йилда 10,6 % кам барг ҳосил бўлган. Худди шундай ҳолат бошқа нав намуналарида ҳам кузатилди ва бу барг сони белгисининг жуда ўзгарувчанлигидан далолат беради.

Барг сони билан биргаликда барг узунлиги ва эни ҳам индау ўсимлигининг маҳсулдорлигини белгилайдиган кўрсаткичлардир.

Энг узун барглари Акропол (18,0 см), Сицилия (18,7 см), Рококо (19,1 см), Римские каникулы (19,7 см), Корсика (20,7 см) нав намуналарида кузатилди. Нисбатан энли барглари Акропол (7,1 см), Санremo (7,1 см), Аромат (7,1 см), Виктория (7,1 см), Гурман (7,2 см), Корсика (7,3 см), Сицилия (7,5 см), нав намуналарида қайд этилди. Ўсимликнинг маҳсулдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткич Рококо (106,4 г/ўсимлик), Сицилия (106,4

АДАБИЁТЛАР:

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта М., 1985.-350 С.
2. Литвинов С.С., Методика полевого опыта в овощеводстве/ С.С.Литвинов.- М., ВНИИО, 2011. -650 с.
3. Куршева Ж.В., Биологические особенности и основные приёмы возделывания индау посевного, двурядника тонколистного и кресс-салата в условиях Московской области. Дисс...к.с.х.н. М., 2009.-126 С.
4. Папонов А.Н., Новое салатное растение семейства Крестоцветные./ А.Н.Папонов// В.сб.:” Новые и нетрадиционные растения и перспективы их использования” М., 2003. Т. II.- С. 114-116
5. Пивоваров В.Ф., Овощи России. М., ВНИИССОК. 2006.- С. 155-157

УЎТ: 633.81:631.525

ТАДҚИҚОТЛАР САМАРАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИДА МАЙОРАН ИНТРОДУКЦИЯСИ

Аннотация: мақолада кам тарқалган сабзавот экини-майоранни Ўзбекистон жанубий шароитида интродукция қилиш мақсадида олиб борилган илмий тадқиқотлар ёритилган. Олинган хулосалар амалий ўрганишлар натижасида исботлаб берилган.

Калит сўзлар: майоран, селекция, интродукция, ўсимлик бўйи, новдалар сони, барг массаси, нав, экиш схемаси, ҳосилдорлик.

Дунё бўйича 78 ботаник оилга тегишли 1200 дан ортиқ турдаги ўсимликлардан сабзавот сифатида фойдаланиш

мумкин. Бизнинг мамлакатимизда эса 70 дан ортиқ сабзавот ўсимликлари етиштирилади.[1].

Аннотация: В статье освещаются научные исследования, проведенные с целью интродукции малораспространенной овощной культуры-майорана в южных условиях Узбекистана. Полученные выводы были подтверждены в результате практических исследований.

Ключевые слова: майоран, селекция, интродукция, высота растения, количество ветвь, масса листьев, сорта, схема посадки, урожайность.

Annotation: The article highlights the scientific research conducted with the aim of introducing a less common vegetable crop-marjoram in the southern conditions of Uzbekistan. The obtained conclusions were confirmed as a result of practical studies.

Keyword: marjoram, selection, introduction, plant height, number of branches, leaf mass, varieties, planting scheme, yield

Сабзавот экинларининг 600 тури жаҳоннинг турли мамлакатларида етиштирилади ва истеъмол қилинади. Уларнинг кўпчилиги қадимдан маданийлаштирилиб, ер юзида кенг етиштириладиган бўлса, айримлари эса кам тарқалган сабзавот экинлари ҳисобланади.

Сабзавот, полиз ва картошкачилик соҳасида илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган селекционер олимлар томонидан республикаимизда кам тарқалган сабзавот экинларидан дайкон (япон турпи), хитой баргли карами, артишок, айсберг салати, салатбоп шолғом, руккола, брокколи экинларини етиштириш технологиялари ишлаб чиқилиб, жорий қилинди ва бу борада илмий изланишлар давом этмоқда.

Тадқиқотларимиз доирасида ўрганилаётган майоран экини ҳам кам тарқалган сабзавот ҳисобланиб, таркибининг қимматлиги ва дориворлик жиҳатларига кўра, ажралиб туради.

Майоран ўсимлигининг барги ва гулларида 0,4 %гача эфир мойи мавжуд. Майораннинг эфир мойи таркибида терпинен, пинен, сабинен, α-терпинеол, борнеол, фенол мавжуд. Ёш барглари таркибида 127 % рутин, 44% гача аскорбин кислотаси, 5,5 % гача каротин бўлади. Маълумотларга кўра, 100 грамм майоран барглари 270 ккал энергияга эга. Майоранда эфир мойи билан бир қаторда макро- ва микроэлементлар, калий, фосфор, рух, кремний, А,В ва С витаминлари, флавоноидлар, минераллар ва тери ошловчи моддалар бор. Майоран таркибида фитонцид сақлайди [2].

Маълумки, таркибида эфир мойлар бўлган сабзавотлар, одатда, овқатни хуштаъм қиладиган зирavor сифатида ишлатилади. Булар овқат мазасини яхшилаши билан бирга организмда ошқозон ширасини ажратиб чиқариш хусусиятига эга, бу эса овқат ҳазм бўлишини кучайтиради. Янги сабзавотдан тайёрланган салатлар ҳамда тузланган ва мариновка қилинган (сиркаланган) сабзавот маҳсулотлари ҳам худди шундай аҳамиятга эга [3].

Майоран колбаса, кетчуп каби озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда асосий зирavorлардан ҳисобланади. У кўплаб Европа мамлакатларида колбаса учун асосий зирavor бўлиб хизмат қилганлиги учун “колбаса ўти” деб аталади [4].

Зирavor сифатида майораннинг барглари, куртаклари ва гуллари ишлатилади.

Майоран маҳсулот учун гул куртаклари очилмасдан йиғиб олинади. Яшил барглари ва пояси ердан камида 5 см қолдирилиб, қирқиб олинади. Майорани боғлам-боғлам қилиниб, соя-салқин, яхши шамоллатиладиган жойда қуритиб олинади. Яшил масса учун ҳосилдорлиги 40-70 ц/га, қуритилган ҳолда 3 ц/га ташкил этади [3].

Тадқиқотлар олиб борилаётган жой ва унинг шароитлари. Тадқиқот 2020 йилда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Сурхондарё илмий

тажриба станциясида олиб борилди. Тажриба станцияси Сурхондарё вилояти Термиз тумани “Намуна” маҳалласида жойлашган.

Иқлим шароитига кўра, мазкур ҳудуд қурғоқчил субтропик ҳисобланади. Қиши илиқ ва доимий қор қопламига эга эмас. Ёз узоқ давом этади, ўта иссиқ ва қуруқ. Ёнг иссиқ ой июль ҳисобланади ва бу пайтда максимал ҳарорат 48-49°С га етади. Шамолнинг ёнг катта таъсири баҳор даврида (15 м/с ва ундан ортиқ)-ўртачи 21 кун давомида кузатилади. Жанубий текисликларда ўртача йиллик ёғингарчилик миқдори атиги 128-170 мм ни ташкил қиладди. Ёғингарчиликнинг асосий улуши қиш-баҳор даврига тўғри келади. Тупроқлар чўл типиди, асосан эски сўғориладиган бўз тупроқлар, механик таркибига кўра, оғир қумоқ тупроқ.

Тупроқлар таркибида гумус миқдори жуда кам 2-2,5% дан ошмайди. Ушбу тупроқларга ҳар йили минерал ўғитлар-биринчи навбатда азот ва фосфорли ўғитлар солиш зарур.[5].

Тадқиқотлар материали ва услуги. Тадқиқот объекти сифатида Россия Федерациясидан олиб келинган “Байкал” нави олинди. Тадқиқотлар қуйидаги услубий кўрсатмалар асосида олиб борилди: “Методика полевого опыта” (Доспехов Б.А,1985), “Методические указания по селекции зеленных, пряно-вкусовых и многолетних овощных культур” (М.,1987), “Руководство по апробации овощных культур и кормовых корнеплодов” (М.,1982) ва бошқалар.[6;7;8].

Веgetация даврида қуйидаги текширувлар олиб борилди:

1. Фенологик кузатувлар олиб борилди:

- экиш(сана);
- кўчатларни дастлабки ва ёппасига униб чиқиши;сана;
- кўчатларни далага ўтказиш;сана;
- гуллаши (10%, 75%);
- техник пишиши (10%, 75%);
- биринчи ва охирги терим;

2.Хўжалик муҳим белгилари бўйича кузатувлар ўтказилди:

Ўсимликнинг баландлиги;

Ўсимлик вазни;

Биринчи ва иккинчи тартиб новдалар сони, дон;

Биринчи ва иккинчи тартиб новдалари вазни, г;

Барг ўлчами ва вазни; г.

Уруғлар 2020 йил 25 январь куни кассета усулида 100 % торфга экилди. Ушбу муддатда экилган майораннинг дастлабки униб чиқиши 6 февралда ва ёппасига униб чиқиши 13 февралда кузатилди. Майоран кўчатлари очик далага 14 март куни 2 қатор, 70 x 25 см схемада очик далага кўчириб ўтказилди.

Майоран ўсимлигининг баландлиги 20-25 см бўлганида, яъни техник пишганда яшил массасининг йиғим-терим ишлари олиб борилди. Маҳсулот учун вегетация даврида 20 та ўсимликдан яшил масса 3 маротаба йиғиб олинди.

Маҳсулот учун етиштирилган майоран экинининг морфо-биологик хусусиятлари. (1-ҳосил)

Ўсимлик рақами	Ўсимлик бўйи, см.	Ўсимлик вазни, г.	Биринчи тартиб новдалар сони, дона	Иккинчи тартиб новдалар сони, дона	Биринчи ва иккинчи тартиб новдалар вазни, г.	Барг банди узунлиги, см.	Баргининг узунлиги, см.	Баргининг эни, см.	Барг массаси, г.
1	36	18	13	42	7	0,7	2	1	11
2	43	58	30	172	22	0,9	2,2	1,1	36
3	45	64	44	202	26	1	2,3	1	38
4	43	59	31	190	24	1,3	2,1	1	35
5	42	54	28	162	14	1	2,2	1,1	40
6	25	6	5	11	2	0,8	2,3	0,9	4
7	30	9	10	30	3	0,5	1,4	0,9	6
8	40	27	22	62	11	1	2,1	1	16
9	38	12	14	40	4	0,7	2	1	8
10	35	11	11	16	3	0,3	1,3	0,8	8
11	22	6	10	22	3	0,8	1,9	0,7	3
12	40	20	20	64	8	0,6	1,6	0,9	12
13	40	22	21	56	9	0,5	2,2	1	13
14	34	11	9	32	3	0,2	1,6	1	8
15	36	19	20	30	8	0,5	2,1	1,1	11
16	42	25	21	58	10	1	2,3	1	15
17	40	20	11	96	9	0,3	0,9	1,2	11
18	36	13	10	34	5	0,8	2,2	1,2	8
19	30	12	12	42	4	0,6	2	1	8
20	43	24	22	72	8	0,6	1,4	1	16
Ўртача	37	24,5	18	72	9	0,7	1,9	1	15,35

Маҳсулот учун етиштирилган майоран экинининг морфо-биологик хусусиятлари. (2-ҳосил)

Ўсимлик рақами	Ўсимлик бўйи, см.	Ўсимлик вазни, г.	Биринчи тартиб новдалар сони, дона	Иккинчи тартиб новдалар сони, дона	Биринчи ва иккинчи тартиб новдалар вазни, г.	Барг банди узунлиги, см.	Баргининг узунлиги, см.	Баргининг эни, см.	Барг массаси, г.
1	19	17,5	43	36	4,97	0,4	1,1	0,8	12,53
2	21	25,2	51	42	6,24	0,5	1,7	0,9	19,26
3	19	23,88	83	22	6,69	0,3	1,4	0,9	17,19
4	18	23,82	57	58	7,54	0,3	1,9	1,1	16,28
5	20	13,51	37	42	3,32	0,4	1,2	1	10,19
6	20	13,04	10	30	3,58	0,3	1,1	0,9	9,46
7	24	15,20	34	44	5,21	0,5	1,8	1,1	9,99
8	29	25,56	45	56	9,43	0,6	1,9	1	16,13
9	25	21,40	44	48	7,28	0,4	1,7	1,2	14,12
10	28	21,15	33	42	6,50	0,5	1,9	1	14,65
11	23	11,77	26	40	3,89	0,6	1,9	1,2	7,88
12	22	23,31	56	42	7,43	0,7	1,8	1,1	15,88
13	22	17,49	52	32	5,01	0,8	1,7	1	12,48
14	15	6,74	26	36	1,42	0,4	1,2	0,7	5,32
15	21	15,05	50	38	4,28	0,6	1,6	1	10,77
16	22	25,73	43	34	8,44	0,7	1,7	1,2	17,29
17	21	22,91	44	42	6,98	0,5	1,5	0,9	15,93
18	17	9,55	28	32	2,51	0,4	1,4	1,1	7,04
19	24	13,94	34	36	4,82	0,6	1,8	1,2	9,12
20	21	18,68	56	62	5,75	0,5	1,4	1,1	12,93
Ўртача	21,5	18,2	42,6	40,7	5,5	0,5	1,5	1,02	12,7

Маҳсулот учун етиштирилган майоран экинининг морфо-биологик хусусиятлари. (3-ҳосил)

Ўсимлик рақами	Ўсимлик бўйи, см.	Ўсимлик вазни, г.	Биринчи тартиб новдалар сони, дона	Иккинчи тартиб новдалар сони, дона	Биринчи ва иккинчи тартиб новдалар вазни, г.	Барг банди узунлиги, см.	Баргининг узунлиги, см.	Баргининг эни, см.	Барг массаси, г.
1	20	33,08	89	10	8,08	0,3	1,4	0,9	25
2	25	65,07	138	134	8,51	0,4	1,6	1,1	56,5
3	27	63,16	124	66	20,50	0,5	2	1,3	42,66
4	26	79	171	168	24,02	0,6	1,5	1,2	54,98
5	32	69	96	124	21,63	0,3	1,5	1	47,37
6	18	18,33	59	36	3,03	0,3	0,8	1	15,3
7	26	35,59	74	66	10,84	0,5	1,2	0,8	24,75
8	31	58,76	112	80	20,49	0,6	1,8	1,1	38,27
9	25	42,65	86	58	13,89	0,6	1,7	1	28,76
10	31	49,62	68	66	14,49	0,03	1,3	0,7	35,13
11	24	38,60	67	36	13,45	0,6	1,7	0,8	25,15
12	28	61,32	117	140	20,90	0,6	1,7	1	40,42
13	21	38,25	84	66	9,58	0,5	1,6	0,8	28,67
14	21	27,06	67	52	7,55	0,5	1,4	0,9	19,51
15	25	31,36	86	34	7,82	0,4	1,1	1	23,54
16	23	42,21	89	86	13,55	0,4	1,3	1,1	28,66
17	29	50,71	100	22	16,53	0,3	1,4	0,9	34,18
18	21	26,71	70	52	7,76	0,5	1,3	0,8	18,95
19	29	31,88	61	32	10,53	0,3	1,5	0,8	21,35
20	25	38,19	104	60	11,27	0,4	1,4	0,9	26,92
Ўртача	23,35	45	93	70	13,2	0,4	1,4	0,9	31,8

Тадқиқотлар натижаси. Маҳсулот учун биринчи ҳосил 2020 йилнинг 23 май кунида йиғиб олинганда, ўртача ўсимликларнинг бўйи 25 см, ўсимлик вазни 23,5 грамм, биринчи тартиб новдалар сони 18, иккинчи тартиб новдалар сони 32, шохлар оғирлиги 9 грамм, барг банди узунлиги 0,7 см, барг пластинкасининг бўйи 1,9 см, эни 1 см, барглариининг умумий оғирлиги 15,35 граммни ташкил этди.

Маҳсулот учун иккинчи ҳосил 2020 йилнинг 16 июн кунида йиғиб олинганда ўртача ўсимликларнинг бўйи 22 см, ўсимлик вазни 18,2 грамм, биринчи тартиб новдалар сони 42, шохчалар сони 40, шохлар оғирлиги 5,5 грамм, барг банди узунлиги 0,5 см, барг пластинкасининг бўйи 1,5 см, эни 1 см, барглариининг умумий оғирлиги 12,7 граммни ташкил этди.

Маҳсулот учун учинчи ҳосил 2020 йилнинг 14 июл кунида йиғиб олинганда ўртача ўсимликларнинг бўйи 23,5 см, ўсимлик вазни 45 грамм, биринчи тартиб новдалар сони 93, шохчалар сони 69, шохлар оғирлиги 13,2 грамм, барг банди узунлиги 0,4 см, барг пластинкасининг бўйи 1,4 см, эни 0,9 см, барглариининг умумий оғирлиги 31,8 граммни ташкил этди.

Таҳлил натижасига кўра, биринчи йиғиб олинган ҳосилда ўсимлик бўйининг баландлиги, барг пластинкасининг бўйи ва эни иккинчи ва учинчи йиғиб олинган ҳосилларга нисбатан юқорироқ эканлиги кузатилган бўлса, майораннинг учинчи йиғиб олинган ҳосилида шохлар ва шохчалар, барглари сониининг кўплиги ҳамда оғирлиги, яъни ўсимлик вазнининг юқорилиги кузатилди. Жумладан, маҳсулот учун етиштирил-

ган майораннинг учинчи марта йиғиб олинган ҳосили асосий кўрсаткичи бўйича биринчи ва иккинчи йиғиб олинган ҳосилга нисбатан устун эканлиги ўрганилди. Битта ўсимлик вазни учинчи марта йиғиб олинган ҳосилда ўртача 45 граммни ташкил этиб, биринчи ҳосилга нисбатан 54,4%, иккинчи ҳосилга нисбатан 40,4 % ни ташкил этди.

Барг массасининг вазни учинчи марта йиғиб олинган ҳосилда 31,8 граммни ташкил этиб, биринчи ҳосилга нисбатан 48,2 %, иккинчи ҳосилга нисбатан 39,9% юқори эканлиги кузатилди.

Биринчи ҳосилда йирик шохлар сони 18 та, иккинчи ҳосилда 42 та, учинчи ҳосилда 93 та эканлиги кузатилиб, бу эса учинчи ҳосилнинг шохлар сони биринчи ҳосилга нисбатан 75 та (80,6 %), иккинчи ҳосилга нисбатан 51 та (54,8 %) га кўп бўлганлигини исботланди.

Майоран экинида биринчи ва иккинчи маротаба йиғиб олинган ҳосил оралиғи 24 кунни, иккинчи ва учинчи ҳосиллар оралиғи 28 кунни ташкил этди. Бунда эса ўсимликлар ҳосил органларининг маҳсулот учун шаклланиши ўртача 26 суткани ташкил этганлиги кузатилди.

Майораннинг ёппасига униб чиқиши ва гуллаши 105-110 сутка, вегетация даври эса 205-220 суткага тўғри келади.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, майоранни очик далада ва уй шароитида тувакларда йил давомида етиштириш мумкин.

Хулоса. Олиб борилган илмий-изланишлар шуни кўрсатадики, майоран экинини Ўзбекистон жанубида муваффақиятли интродукция қилиш мумкин. Мамлакатимиз иқлим ва тупроқ шароитлари турли сабзавот ўсимликларини

интродукция қилиш ҳамда етиштириш имкониятини берса-да, кам тарқалган сабзавот экини турлари сони оз эканлигини кўрсатади.

Сабзавотларнинг ассортименти кенгайтириш аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжидан эмас, балки мамлакатимизга

келиб-кетаётган ва шу ерда истиқомат қилаётган хорижликлар талабини ҳам қондиради, тармоқ салоҳиятини бойитади.

С.Х.ҚАРШИЕВА,

ТошДАУ Термиз филиали мустақил тадқиқотчиси.

АДАБИЁТЛАР:

1. Зуев В.И., Қодирхўжаев О. Адилов М.М., Акрамов У.И. "Сабзавотчилик ва полизчилик". Тошкент -2010.
2. Пивоваров В.Ф., Хасанов А.Р., Добруцкая Е.Г., Турдиқулов Б.Т. Возделывание зеленных и пряновкусовых культур в Сурхандарьинской области Уз ССР. Термез, 1990.
3. Борисов Р.Л., Борисов В.Я., Перегудт М.Ф. Малораспространенные овощные культуры. Симферополь, 1979.
4. Hoppe B. 1996: Standund Perspektiven des Anbaus von Arznei- und Gewurzpflanzen in Deutschland, Zeitschrift fur Arznei- und Gewurzpflanzen 1, Sonderheft.
5. Аниксеева С.П., Ан П.А., Агроклиматические ресурсы Кашкадарьинской, Сурхандарьинской областей Узбекской ССР.Л., 1979.
6. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. 1985.
7. Методические указания по селекции зеленных,пряно-вкусовых и многолетних овощных культур (М., ВИР-ВНИИССОК, 1987).
8. Руководство по апробации овощных культур и кормовых корнеплодов (М., «Колос», 1982).
9. Стандарты отрасли на семена овощных, бахчевых культур, кормовых корнеплодов и кормовой капусты. (Мин-сельхозпрод Россия, Москва-2001)

УЎТ: 575.631.5.633.41

ИННОВАЦИОН ЁНДОШУВ

G.HIRSUTUM L. ТУРИ ҒЎЗА ДУРАГАЙЛАРИДА ТОЛАНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мақолада ўрта толали ғўзанинг толасини сифат кўрсаткичлари таҳлил қилинган бўлиб, толанинг сифат параметрларининг барчаси бўйича ҳар иккала сугориш тизимида F3(Бухоро-8 х Дўстлик-2) дурагайи, мақбул сугориш тизимида Султон навини, сув танқислиги шароитида микронейрни яхшилашда Бухоро-8 навини, солиштирма узилиш кучи бўйича Бухоро-8 навини, тола узунлиги бўйича Ан-Боёвут-2 навини, толанинг қатор сифат кўрсаткичлари бўйича F3(Ан-Боёвут-2 х Бухоро-8) комбинациясини белгиларни яхшилашда амалий селекция жараёнига тавсия этиш имконияти келтирилган.

Калит сўзлар: ғўза, нав, дурагай, тола сифати, микронейр, солиштирма узилиш кучи.

Аннотация. В статье проанализировано качество средневолокнистого хлопкового волокна, гибрида F3 (Бухара-8 х Дустлик-2) в обеих оросительных системах, сорта Султан в оптимальной системе полива, сорта Бухара-8 в улучшении микронейра в условиях водного дефицита, специфики Сочетание Бухара-8 по прочности, Ан-Бойовут-2 по длине волокна, F3 (Ан-Бойовут-2 х Бухара-8) по ряду показателей качества волокна может быть рекомендовано для практических процессов отбора при улучшении черты.

Ключевые слова: хлопок, сорт, гибрид, качество волокна, микронейр, удельная прочность на разрыв.

Annotation. The article analyzes the quality of medium-fiber cotton fiber, F3 (Bukhara-8 x Dustlik-2) hybrid in both irrigation systems, Sultan variety in the optimal irrigation system, Bukhara-8 variety in improving micronaire in water-scarce conditions, specific interruption. The combination of Bukhara-8 in terms of strength, An-Boyovut-2 in terms of fiber length, F3 (An-Boyovut-2 x Bukhara-8) in a number of fiber quality indicators can be recommended for practical selection processes in the improvement of traits.

Keywords: cotton, variety, hybrid, fiber quality, micronaire, specific tensile strength.

Кириш. Дунё микёсида ғўзадан юқори тола ҳосилини олиш бўйича селекция услубларини такомиллаштириш, сифат белгиларини назорат қилувчи генларнинг аддитив самарасини, доминантлик даражаси ва йўналишини аниқлаш орқали замон талабларига жавоб берадиган янги ғўза навларини яратиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда тола ҳосилдорлиги кўп йиллардан бери 6-7 ц/га дан ошмаяпти. Бу эса дунё кўрсаткичидан 2-3 карра камдир.

Хорижий навлардан ойдаланиб янги тезпишар ва тола ҳосилдорлиги юқори бўлган навлар яратиш мамлакатимиз

мизнинг селекция фани олдида турган асосий вазифадир. Ғўзанинг дунёвий коллекцияси ғўзанинг турли минтақалардан жамланган ёввойи, ярим ёввойи (рудерал) шакллари ва навлари муҳим аҳамият касб этади. Бу намуналардан самарали фойдаланиб, янги бошланғич ашёлар яратиш ҳозирги куннинг талабларидан биридир.

Адабиётлар шарҳи. Тола сифатини ошириш доимо асосий вазифа бўлиб келмоқда. Шу билан бирга, сертолали ва сифати юқори бўлган навлар яратишда айрим муаммолар мавжуд. Биринчидан, тола чиқими ва сифати ўртасида